

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

Хужаобод туман

«14» март 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталуучи Хужаобод туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази ва унинг асосида Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари Джабаров бир томондан ва «Пудратчи» деб аталуучи “Баракали курувчи ИИМ” МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари Н. Исмонлов иккинчи томондан келишув асосида амаллаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг яъни Давлат санитария эпидемиология назорат маркази биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва ташлов комиссиясининг карори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда шартноманинг умумий суммаси **210 999 998 (икки юз ўн миллион тўқиз юз тўқсон тўқиз минг тўқиз юз тўқсон саккиз)** сўмни ташкил этади

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс-мажкор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Газначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 3 банк иш кунида «Буюртмачи» томонидан бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% ини, яъни **63 299 999,40** (олтмиш уч миллион икки юз тўқсон тўқиз минг тўқиз юз тўқсон тўқиз) сўм 0,40тини олдиндан аванс тарикасида «Пудратчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70 % и, яъни **147 699 998,60** (бир юз кирк етти миллион олти юз тўқсон тўқиз минг тўқиз юз тўқсон саккиз) сўм 0,60тини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III ТОМОНЛАРНИНГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган обьектни «Буюртмачи»дан бажарилган ишлар далолатномасига асосан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графикига асосан 10 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг хуҷуклари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида ётказилиган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. ««Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;

3.4. ««Буюртмачи»нинг хуҷуклари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа мөърий хужжатлар билан таъминлашин талаб қилиш;

Камчиликларни белул бартараф этилиши өки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. КАФОЛАТЛАР

4.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ хажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларди бажарилишини;
- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва

тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксоонларни ўз вактида бартараф қилинишини;

4.2. Иншоот ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, ҳом ашёлардан фойдаланишни ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб бир ой этиб белгиланади.

4.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, уни бартарға этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксоонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксоонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксоонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хизбидан бартараф этилади.

4.4. Аникланган нуксон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуксон ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, Буюртмачи бу ҳакда ёзувларни киритади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» уртасида узаро шартнома имзолангандан сунг жорий таъмираш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат курилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул килиб олади. Курилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик коидаларига келишилган ишларни бажариш вактида атроф мухитнинг тозалиги меҳнат муҳофазаси ёнгинни олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунига амал килади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни ўз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тулик жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунига кадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга кадар обьектни тасодифий йук килинини ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида булади. «Пудратчи» узининг томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофик булиши ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлади. Агар «Пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз холда булган деб топиласа «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тулайди. «Пудратчи» бу шартномада курсатилган курилиш таъмираш ишларини қабул килиш комиссиясига лойиха хужжатлари асосида ишини сифатли бажарган холда топширади.

5.2 Жорий таъмираш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, курилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Курилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган. «Пудратчи» томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул килиб олишини таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблаги беради. Белгиланган ишларни якунланган деб топилиб комиссия оркали қабул килинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» курилиш майдонида уз вакилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофик текширади.

5.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул килиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар ҳаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибида қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибида ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичida тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган холда тақдим этилган холларда, жаримани ундириш белгиланган тартибида амалга оширилади.

5.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда курилиш ишларини тутгитмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,3 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-кисмida кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.6 Шартномада бошка тартиб назарда тутилмаган булса, хужалик шартномаларни бажармаганилик ва лозим даражада бажармганилик учун "Хужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида"ти конунинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари кулланилади.

VI. Низоларни хал қилиш тартиби

6.1 Ушбу шартнома ёки унга боялик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низолар тарафларнинг узаро келишуви билан хал қилинади.

6.2 Низоларни тарафларнинг келишуви билан хал қилип булмаган такдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конун кондасига асосан хужалик судида хал қилинади.

VII. Бошка шартлар

7.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча узгаришлар ва кушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзолангандан кейин хаккий хисобланади.

7.2 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилган булиб тарафлар имзоларидан сунг хаккий деб хисобланади.

VIII. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

8.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чикилади.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартерилиши ва бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкун бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

10.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Газначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, "31" Декабрь 2022 йилгача амал қиласди.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқукий жихатдан тенг кучли хисобланади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«Баракали курувчи ИНМ» МЧЖ

Манзил: Булакбоши туман М.Исмоилий кфй

Тел./факс: +998991907904

х/в: 2020 8000 3052 2612 7001_

Банк номи/ АТ Халкбанк Хужаобод филиали

МФО: 00656 СТИР: 307399115

ОКОНХ 61110

Рахбар



Н.Исмоилов

Давлат санитария эпидемиология назорат маркази

Манзил: Хужаобод тумани мфи

Тел./факс 747411610 _____

ш/х 401422860032367074110054001

бюджетдан маблаг олувчи

СТИР 200298716 ОКОНХ 91531_

Газначилик бўлинмаси номи: Хужаобод тумани бўйича
Газначилик бўлинмаси

Фазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шахар бош
бошкармаси XKKM

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИР: 201122919



А.Акбаров

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ
ХУЛОСА**
№ RK24570241

1. Лойиҳанингтури

Шартнома

2. Лойиҳанинг номи

Пудрат шартномаси (Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Хужаобод туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари А.Акбаров бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи “Баракали курувчи ИММ” МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари Н.Исмоилов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ туздилар: «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг яъни Давлат санитария эпидемиология назорат маркази биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради. «Буюртмачи» эса қилинган хизматлар учун "Пудратчи"нинг хисоб рақамига келишилган суммани ўткизив беради. Шартноманинг умумий суммаси **210 999 998** (икки юз ўн миллион тўққиз юз тўқсан тўққиз минг тўққиз юз тўқсан саккиз) сўмни ташкил қиласди)

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

Хужаобод туман СЭО ва ЖС бўлими - 16.03.2022

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

16.03.2022



**Юридик хизмат кўрсатиш маркази
Бош юрисконсульти**

Д.Юлдашев